

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ўзбекистон Республикаси
Миллий антидопинг агентлиги
директори



А.Садиков

2026 йил 6 апрель

**Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги хузуридаги жамоатчилик
кенгашининг 2026 йил I-чорак якунлари бўйича ўтказилган йиғилиш
БАЁНИ**

2026 йил 6 апрель

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи:

А.Садиков – Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги бош директори

Кенгаш аъзолари:

Х.Тошматов-Ўзбекистон Паралимпия кўмитаси раиси ўринбосари

А.Алимов - “Маҳалла ва оила” илмий тадқиқот институти юрисконсулти

Э.Мусаев Тошкент давлат юридик университети профессори;

Ф.Керимов Ўзбекистон Миллий олимпия кўмитаси Илм ва инновациялар Маркази раҳбари, спорт фахрийси

Ҳ.Омонов Ўзбекистон Миллий антидопинг агентлиги матбуот котиби – ахборот сиёсати масалалари бўйича директор маслаҳатчиси

Б.Наримонов Тошкент давлат юридик университети кафедра мудири;

Б.Марданаев – “Маҳалла” радиоканали мутахассиси;

У.Намозов – “Севимли” телеканали мухбири;

З.Хайдаров Ўзбекистон Спорт вазирлиги мутахассиси

КУН ТАРТИБИ

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий антидопинг агентлигининг 2026 йил I чорак фаолияти юзасидан ўрганишлар олиб бориш

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги «Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-124-сонли Фармони асосида фуқаролик жамиятига ижтимоий буюртмалар бериш тўғрисида

3. Бошқа масалалар.


Кун тартибидаги масалалар муҳокама қилиниб, кенгаш йиғилишида агентликнинг 2026 йил I чорак якунлари бўйича фаолияти юзасидан агентликнинг Терапевтик истиснолар ва тиббий тадқиқотлар бўлими бошлиғи А.Солиев ҳисобот берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 26 августдаги «Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-124-сонли Фармони асосида фуқаролик жамиятига ижтимоий буюртмалар бериш тўғрисидаги Фармонида ҳар йили вазирлик ва идоралар фуқаролик жамияти институтларига бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ижтимоий буюртма бериш бўйича танловлар ташкил этади. Бунда танловлар устувор равишда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, коррупцияга мурасасиз муҳитни шакллантириш ҳамда таълим, тиббиёт, экология, қурилиш, транспорт, коммунал хўжалиги, бандлик, ижтимоий хизматлар кўрсатиш ва бошқа соҳаларнинг энг долзарб муаммолари ечимига қаратилади деб белгиланган. Шунга кўра, агентлик томонидан 2026 йил давомида Миллий антидопинг агентлиги томонидан ишлаб чиқилган ta'lim.uznada.uz ва dori.uznada.uz платформаларидан фойдаланиш бўйича спорт федерациялари, спортчилар ва спорт мураббийлари ва персоналларининг билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган видеороликлар тайёрлаш бўйича агентлик расмий веб-сайтида эълон берилиши белгиланди.

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

- Миллий антидопинг агентлигининг 2026 йил I чорак ҳисоботи қабул қилинсин.
- Фуқаролик жамияти институтларига ижтимоий буюртма бериш бўйича агентлик веб-сайтида эълон берилсин ва танлов ўтказилсин.

Йиғилиш баёнини тузди



Х.Омонов